

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШНИНГ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ ТАҲЛИЛИ

Хайдаматов Элёржон Боходирович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси,
Фарғони вилояти Ички ишлар бошқармаси Тезкор-қидирув хизмати
бошлиғи ўринбосари – Жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи,
подполковник E-mail: Elyorjon84b@mail.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10691075>

Аннотация. Мақолада транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик жиноятини олдини олиш ва фош этишнинг Австрия, Англия, Бельгия, Германия, Испания, Италия, Нидерландия, Франция, Буюк Британия, Молдова ва Беларусь давлатлар тажрибаси ўрганилган ва илмий асосланган таклифлар билдирилган.

Таянч сўзлар: хавфсиз ҳудуд, профилактик тадбирлар, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.

Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғрилик жиноятининг олдини олиш ва фош этишда хориж давлатларнинг ички ишлар (полиция) органлари, бошқа ХМҚОлари, жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган хизматлар, шунингдек фуқаролик жамиятининг институтлари билан тизимли ҳамда мақсадли ҳамкорлик ишлари ташкил этилиши лозим. Ҳамкорлик ишларидан кўзланган мақсад, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ дахлсизлигини таъминлашда ҳудудлар(жамоат жойлари, кўчаларда ва юридик шахсга тегишли бўлган автотургоҳлар)да хавфсизлик чораларини таъминлашнинг мукамал тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Европанинг Австрия, Англия, Бельгия, Германия, Испания, Италия, Нидерландия ва Франция каби давлатларида ҳар тўртинчи жиноятдан бири юк транспорт воситаларидан ўғирликларга тўғри келади. Жиноий гуруҳлар томонидан тунда хавфсизлиги талабга жавоб бермайдиган автотуррагоҳларга транспорт воситасида бориб, қоровул, ҳайдовчининг ухлаб қолганлигидан фойдаланиб, қимматбаҳо хўжалик ҳамда қурилиш молларини ўғирлайдилар. Полша, Венгрия, Чехия, Руминия ҳамда Украина республикаларига моддий бойликлар олиб ўтилади, белгиланган жойларда сақланиб, кейинчалик сотиб юборилади¹. Ушбу давлатларда транспорт воситасидан ўғирлик кам содир этилади. Боиси, фуқаролар мол-мулкни уйларида ва банкларда сақлайдилар.

¹ <https://movizor.ru/paper/stats> euI(Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 15.01.2024)

Европанинг аксарият давлатларида транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг барвақт олдини олишда маҳаллий полиция таянч пунктларида хизмат қилаётган ходимлар ва кўнгилли фуқаролар билан биргаликда тунги вақтларда муайян йўналишлар бўйича патруллик хизматини амалга ошириш; маъмурий ҳудудни тунда ёритиш, етарли миқдорда кузатув мосламаларини ўрнатиш; ушбу ўғирликни олдини олишда давлат томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида аҳоли орасида тарғибот тадбирларини, шу жумладан аҳолига мол-мулкни эҳтиёт қилиши ҳақида электрон эслатма ва буклетлар тарқатиш каби умумий профилактик тадбирлар амалга оширилади².

Германияда ҳар йили ўртача 2,7 – 3 млн.га яқин жиноятлар рўйхатга олиниб, шундан ўртача 1,9-2 млн.ни мулкӣ турдаги (асосан ўғирлик ва талончилик) жиноятларнинг хиссасига тўғри келади. Мазкур жиноятларнинг олдини олишда Германия ҳукумати томонидан жисмоний ва юридик шахслар ўз мол-мулкнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳуқуқий тарғибот, ташвиқот ишлари амалга оширилиб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган Германия Ички ишлар вазирлигининг Федерал жиноий полиция бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 1987 йил 7 апрелдаги “Жиноят-процессуал кодекси”га биноан енгил ва юк транспортдан ўғирликни содир этган шахсга нисбатан махсус тадбирлар ўтказилади. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклайдиган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши лозим бўлганида ваколати суднинг санкциясини олиш, кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш зарурати юзага келганда прокурорнинг рухсати асосида тадбир ўтказилиб, белгиланган муддат ичида суддан санкция олинishi³ талаб этилади.

Буюк Британияда йилига умумий жиноятларнинг қарийб 68 фоизини (1 млн. 200 минг) мулкӣ турдаги жиноятларни ташкил этиб,

² Хамдамов А.А. Особенности информационно-поисковой системы полиции зарубежных страна в борьбе преступностью // Жиноятчиликка қарши курашда тезкор аппаратлар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Илмий мақолалар тўплами/ Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори А.А. Хамдамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б.3-15.; Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т.: Издательство “Fan va texnologiya”, 2010. – 452 с.; Васильев Д.В. Концепции организации деятельности полиции и возможности их пользования в отечественной практике (По материалам США и некоторых стран западной Европы): Дис. ... канд. юрид. наук (12.00.11). – М., 2005. – С.74-75.

³ Маркушин А.Г., Морозов О.Л. Совершенствование правового регулирования совместной оперативно-розыскной и уголовно-процессуальной деятельности полиции – залог повышения эффективности раскрытия и расследования преступлений (история и современность) // Юридическая наука и практика. 2019. № 2 (46). С. 110–117.

шундан ўртача 14-16 мингга яқини транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг улушига тўғри келади. Ушбу жиноятларнинг фош этиш кўрсаткичи ҳар йили 35-40 фоизни ташкил этади⁴. Жамоат жойларида содир этиладиган транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг олдини олиш ва фош этишда маҳаллий полиция бўлимлари томонидан “Кўча жиноятига қарши курашиш ташаббуси” (*Street Crime Initiative - SCI*) номли қуйидаги умумий профилактик тадбирлари амалга оширилади: 1) аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш; 2) ходимларнинг штат бирлигини ошириб маҳаллий полициянинг патруллик фаолиятини кучайтириш; 3) жамоат жойларидаги жинояти учун жавобгарликка тортиш тартибини соддалаштириш; 4) транспорт воситасидан ўғирлик содир бўлган ҳудудларга қўшимча кузатув камераларини ўрнатиш; 5) транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни содир этишга мойил шахслар билан яқка тартибда ва махсус профилактик тадбирлар ўтказиш (масалан, шахсни яқка тартибда фойдали иш билан шуғулланишини, ўғирликни содир этмаслигини тушунтириш ва бошқ.)⁵. Ушбу профилактик тадбирлар Лондоннинг барча кўчаларида амалга оширилиб, жиноятчиликни ҳар йили ўртача 15-20 фоизга⁶ камайтиришга эришилади. Буюк Британияда ТҚФни амалга оширувчи Лондон полицияси (Skotland-Yard); Миллий жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси; Шотландия жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси тезкор бўлинмалари 2000 йилда қабул қилинган “Қидирув ваколатларини тартибга солиниши тўғрисида”ги акт, шунингдек, тезкор бўлинмаларнинг фаолиятини тартибга солувчи махсус ҳуқуқий ҳужжатларга биноан транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни содир этган шахсларга нисбатан кузатув; аудио ва видеоёзувларини назорат қилиш; текшириш учун харид қилиш; жиноий муҳитга тезкор киритиш; маълумотлар тўплаш каби тадбирлари ўтказилиб, айбдорнинг қилмиши иш учун аҳамиятли бўлган далилий ашёларни тўплаш орқали исботланади⁷.

⁴ The Guardian (Великобритания): изнанка преступного мира Великобритании XXI века // Россия сегодня. ИноСМИ: [сайт]. URL: <https://inosmi.ru/social/20190711/245449259.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 15.01.2023).

⁵ Закон Великобритании об общественном порядке Public Order Act 1986 Официальный сайт королевской прокуратуры Великобритании URL: <https://www.cps.gov.uk/legalguidance/public-order-offences-incorporating-charging-standard> (дата обращения: 15.01.2024 г.); Published by Centre for Economic Performance London School of Economics and Political Science Houghton Street.– London: WC 2A 2AE.S. Machin and O. Marie, submitted, 2005.

⁶ Сайт полиции Лондона. URL: <https://maps.met.police.uk/stats-and-data/> (дата обращения 16.01.2024).

⁷ N.A. Nigmatov, G.V. Bushin, A.I. Kurtyak specificities of operational and investigative activity performed by officials and operational Units of states abroad by the case of UK and Germany / DOI 10.26163/GIEF.2021.72.46.014



Молдова Республикасида транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни фoш этишда “Махсус-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига бингоан сўров; шахс ва қилмиш ҳақида маълумот тўплаш; шахс айнанлигини аниқлаш; турар жойларни, бино, иншоотларнига аудио, видео, фото ва кино қурилмаарни ўрнатиш; қайд этувчи тезкор-техник воситалардан фойдаланиб турар жойларни кузатиш; хабарлар ва расмларни тўсиб қолиш ва қайд этиш; техник усул ва воситалардан фойдаланиб, шунингдек глобал жойлашишини аниқлаш тизими (GPS) ва бошқа техник воситасида кузатиш; электр алоқа хизмат кўрсатувчи ташкилотдан маълумот тўплаш; электрон алоқа тизими абонентини, эгасини ёки фойдаланувчисини ёки ахборот тизимига кириш нуқтасини аниқлаш; визуал кузатиш; товламачилик йўли билан олинган пул ёки бошқа моддий бойликни ўтказилишини назорат қилиш; ниқобланган қидирув фаолияти⁸ каби каби тезкор-қидирув тадбирлари суд, прокурор ва идоравий назоратни амалга оширувчи раҳбарининг рухсати билан амалга оширилади.

Беларусь Республикасида транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни олдини олишда олишда полиция тизимининг соҳавий хизматлари ва профилактик ишларни амалга оширувчи ваколатли бошқа субъектлар томонидан умумий, махсус (комплекс дастурлар асосида), яқка тартибдаги⁹ профилактик тадбирлар амалга оширилиб, мазкур жиноятни фoш этишда полиция органларининг тезкор бўлинма ходимлари томонидан тезкор-аҳамиятга эга шахсларга нисбатан “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга биноан тезкор сўров; маълумотлар тўплаш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; тезкор кўздан кечириш; кузатув; овоз назорати; телекоммуникация тармоғида назорат; тезкор киритиш; тезкор эксперимент¹⁰ каби тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади.

Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни олдини олиш ва фoш этишнинг Европа давлатларнинг қонунчилиги ва амалиётини ўрганиш асосида қуйидагиларни: *биринчидан*, Европада транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирлик жиноятини олдини олиш

УДК 34(075.8) // Журнал правовых и экономических исследований. Journal of Legal and Economic Studies, 2021, 1: 77 – 82.

⁸ Закон Республики Молдова от 29 марта 2012 года №59 «О специальной розыскной деятельности» // <https://base.spininform.ru> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 16.01.2024).

⁹ Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-3 «Об основах деятельности по профилактике правонарушений» // <https://www.pravo.by>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 16.01.2024).

¹⁰ Закон Республики Беларусь от 15 июля 2015 года №307-3 «Об оперативно-розыскной деятельности» // <https://base.spininform.ru/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 16.01.2024).

мақсадида умумий, якка, махсус профилактик, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишини; *иккинчидан*, давлатларнинг маҳаллий полиция ходими томонидан транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг олдини олишда аҳоли орасида тарғибот иши амалга оширилиб, транспорт воситасининг хавфсизлик чораларини кўриш учун мазмунидаги тушунтириш ва тавсиялар берилиши маълум бўлди.

Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни олдини олиш, фош этишни хорижий тажрибаси асосида қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, транспорт воситаларидан содир этиладиган ўғирликнинг барвақт олдини олишга хизмат қилувчи “Хавфсиз худуд” деб номланган умумий профилактик тадбирларни республика миқёсида ташкил этиш ва ўтказиш. Ушбу тадбирларни ўтказиш жараёнида бюджет ва бошқа мағлағлар (*автосуғурта бадаллари*) ҳисобидан худудларни тўлиқ камералаштириш, замонавий автотургоҳлар куриш чораларини кўриш. Барча худудларда тезкор бошқарув марказлари имкониятидан тезкор ходимларнинг тезкорлик билан фойдаланишга шароит яратиб бериш;

иккинчидан, профилактика инспектори ва тезкор ходим ҳамкорлигида транспорт воситасидан ўғирлик жиноятини содир этишга мойил шахслар ёки жабрланиши мумкин бўлган шахслар билан якка тартибда суҳбатни ташкил этиш;

учинчидан, транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни кескин камайтиришда, мазкур жиноятни содир этган шахсга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини тушунтириш борасида аҳоли орасида (таълим муассалари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларда) таъсирчан тарғибот ва ташвиқот ишларини тизимли равишда ташкил этиш ва ўтказиш. Хориж тажрибасига асосланиб, жисмоний ва юридик шахслар барча турдаги (енгил ва юк) транспорт воситаларини хавфсизлигини таъминлашда автомашинага сигнализация, иммобилайзер қурилмасини ўрнатиш; салондаги ҳаракатни назорат қилувчи датчик ўрнатиш; автомашинани рули ва педалига механик қулф ўрнатиш; салонга видеорегистратор ва камера ўрнатиш; балонларни болт билан мустаҳкамлаш; автомашинани гараж ва хавфсиз автотургоҳларда сақлаш каби масалаларда тарғибот ва тушунтириш ишини амалга ошириш.